dataprizma

# РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

Миллий ечимлар    Махаллий мутахассислар    Халқаро тажриба

Dataprizma
компанияси ҳақида маълумот

18

йиллик IT ва консалтинг соҳаларидаги тажриба

200+

амалга оширилган йирик лойиҳалар

60+

профессионал мутахассислар

7

йил IT парк резиденти

## Биз иқтисодиётнинг стратегик тармоқларининг рақамли трансформацияси билан шуғулланамиз, комплекс IT-ечимларни ишлаб чиқамиз ва жорий этамиз

Dataprizma етакчи компаниялар ва йирик IT-маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилади.

R&D тадқиқот марказимиз доимий изланишда бўлиб, ностандарт дастурий ва дастурий-аппарат махсулотларни ишлаб чиқиб синовдан ўтказади, янги ечимларини тақдим қилади.

# БИЗНИНГ МИССИЯМИЗ

## Ўзбекистоннинг рақамли трансформацияси йўналишида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини самарали амалга ошириш йўлида мутахассисларимизнинг интеллектуал ҳиссаси, орттирган тажрибаси ва салоҳиятини қўшиш.

## Техника тараққиёти йўлида

Энг янги юқори технологик ва самарали ечимларни жорий этиш орқали давлатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун ишончли пойдевор яратиш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида жараёнларни оптималлаштириш ва уларни рақамли трансформация қилишда етакчи ўринни эгаллаш билан, ахборот технологиялари Тараққиёт Стратегиясининг мақсад ва вазифаларига жавоб беришига ишонамиз.

# DATAPRIZMA GROUP
# ЭНГ ЯХШИ АМАЛИЁТЛАРГА ЭЪТИБОР




Дастурий таъминотлар яратиш

# Software

Технологик қурилмалар етказиб бериш ва интеграция қилиш

# Hardware

# ФАОЛИЯТИМИЗ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1 Дастурий таъминотлар яратиш командаси

## IT ечимларни ишлаб чиқиш ва рақамли трансформация

Жамоамиз илғор IT маҳсулотлар – веб ва мобил иловалар, индивидуал дастурий ечимларни яратади ва уларни жорий қилишда иштирок этади. Биз техник билимларни бизнес мақсадлари билан бирлаштириб, ташкилотларга ITни стратегия билан уйғунлаштириш ва рақамли трансформация жараёнидан муваффақиятли ўтишга ёрдам берамиз.

2 Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (R&D)

## IoT, ML, AI ва ахборот хавфсизлиги бўйича ечимлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш

Машинали ўрганиш (ML) ва сунъий интеллект (AI) технологиялари асосида интеллектуал тизимлар яратамиз, шунингдек, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига ақлли (IoT) электрон қурилмаларни интеграция қиламиз.
Бундан ташқари, ахборот хавфсизлиги соҳасида маҳаллий талаб ва меъёрларга мос келадиган, барқарор ва масштабланувчи ечимлар ишлаб чиқамиз.

3 Катта тажрибага эга таҳлилчилар

## Консалтинг ва жараёнларни оптималлаштириш

Биз ташкилий ва иш юритиш жараёнларини чуқур таҳлил қиламиз. Самарадорликни ошириш ва барқарор ўсишга эришиш учун энг самарали амалиётларни жорий этамиз ҳамда доимий такомиллаштириш (continuous improvement) тамойилларини жараёнларга татбиқ этишга кўмаклашамиз.

4 Сертификатга эга мутахассислар жамоаси

## SIRI – Ақлли саноатга тайёрлик индекси, расмий баҳолаш

Бизнинг "Smart Industry Readiness Index Assessment" хизматимиз турли соҳалардаги ишлаб чиқариш компанияларининг Industry 4.0 ва Smart Industry талабларига тайёрлигини баҳолайди, уларни бир нечта асосий параметрлар бўйича текширади ва уларни соҳа етакчилари билан таққослайди, шу билан уларнинг бошқарув жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради.

# БИР БУТУН ЁНДАШУВ

Ечимлар ва хизматларнинг тўлиқ мажмуаси



1 Бизнес жараёнлари ва операцион модел таҳлили

2 IT инфратузилмасини мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳолаш, дастурий таъминот ва қурилмаларни алмаштириш зарурати мавжудлиги, шунингдек талабларга мувофиқлигини таҳлил қилиш

3 Жараёнларнинг мақсадли моделини ва янги тизимни жорий этиш режасини, шунингдек маълумотлар миграциясини лойиҳалаштириш

4 Лойиҳани жорий этиш режасига мувофиқ амалга ошириш, ходимларни ўқитиш

5 Лойиҳа амалга оширилгандан кейин қурилмалар ва ахборот тизимларини техник қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш

# ЛОЙИҲАЛАР

01

Dataprizma ERP

02

Virtual office

03

D9E9 криптомодули

04

Охирги амалга оширилган лойиҳалар

# DATAPRIZMA ERP

Корхонани бошқаришнинг инновацион тизими

## КОРХОНА ЖАРАЁНЛАРИ ХАРИТАСИ

### АСОСИЙ ФАОЛИЯТ

**Харидлар**
Барча харидларни мониторинг қилиш

**Захиралар**
Хомашё ва тайёр маҳсулотлар

**Ишлаб чиқариш**
Жараёнлар бошқаруви

**Сотув**
Барча сотувларни мониторинг қилиш

**Сервис**
Курилма ва ускуналарга хизмат кўрсатиш

**MRP**
Хомашё сарфини режалаштириш

**CRM**
Мижозлар билан ишлаш

### ЁРДАМЧИ ЖАРАЁНЛАР

**МОЛИЯ**
1С дастури билан интеграция

**HRM**
Инсон ресурслари билан ишлаш

**Комплаенс**
Стандартлар ва сифат мувофиқлиги

**АТ**
Ахборот тизимларини мониторинг қилиш

# DATAPRIZMA ERP

Корхонани бошқаришнинг инновацион тизими

## АСОСИЙ МОДУЛЛАРИ

| | |
|---|---|
| **MANAGEMENT ACCOUNTING** | Қарор қабул қилиш, режалаштириш ва компанияни бошқариш модули |
| **HRM** | Ходимлар бошқаруви ва кадрлар ҳужжат айланиш тизими |
| **DMS** | Ҳужжатларни бошқариш тизими |
| **CMMS** | Техник хизмат кўрсатишни бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизими |
| **CMS** | Шартномаларни бошқариш тизими:<br>- Таъминот/Харид қилиш - Реализация қилиш/Сотиш |
| **WMS** | Омборларни бошқариш тизими |
| **PLM/MES** | Маҳсулотнинг ҳаётий циклини бошқариш. Ишлаб чиқаришни бошқариш тизими |
| **LIMS** | Лабораторияларни бошқариш жараёнларининг автоматлаштирилган тизими |

## КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР

| | |
|---|---|
| **Бошқарув ҳисоби** | Раҳбарларни қарор қабул қилиш, режалаштириш ва компанияни бошқариш учун молиявий ва бошқа маълумотлар билан таъминлайди |
| **Барқарор ва бошқариладиган операцион модел** | Стандартлаштирилган жараёнлар, аниқ жавобгарлик, барқарор иш жараёнлари ташқил қилинади. |
| **Ягона ва ишончли ҳисобот** | Молиявий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ягона қоидалар асосида шаклланади ва талаб қилинадиган форматда тақдим қилинади. |
| **Харажатлар ва операцион йўқотишларни камайтириш** | Бекор туриб қолишлар, хатоликлар, такрорланувчи операциялар ва асоссиз харажатлар қисқаради. |
| **Бошқарувда қарор қабул қилишни тезлаштириш** | KPI, жараёнлар ҳолати ва оғишлар ўз вақтида кўринади, бу эса қарор қабул қилишнинг аниқлиги ва тезлигини оширади. |
| **Ижро назоратини кучайтириш** | Ягона регламентлар, кириш-чиқиш назорати, тартиб-қоидаларга риоя қилиш ишнинг ишончлилигини оширади. |
| **Ходимлар ва жараёнлар самарадорлигининг ўсиши** | Кундалик операцияларни автоматлаштириш, иш оқимини оптималлаштириш билан унумдорликни оширишга эришилади |
| **Кенгайиш ва инвестицияларни жалб қилишга тайёрлик / IPO** | Жараёнлар ва IT архитектура замонавий талабларга жавоб беради, бизнесни ривожлантириш ва чекловларсиз инвестиция жалб қилиш имконини беради |

DATAPRIZMA ERP

Корхонани бошқаришнинг
инновацион тизими

# АВТОМАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

## Интеграция

Тарқоқ жараёнларни (бухгалтерия, омбор, кадрлар, ишлаб чиқариш) бир бутун қилиб бирлаштиради

## Марказлаштириш

Барча ваколатли ходимлар фойдаланиши мумкин бўлган ягона маълумотлар базасини яратади

## Автоматлаштириш

Ҳужжатлар, ҳисоботлар, ҳисоб-китобларни тайёрлаш каби кундалик вазифаларни автоматлаштиради

## Таҳлил

Жорий ҳолатни билиш ва прогноз қилиш учун батафсил ҳисобот ва таҳлилларни тақдим этади

## Бошқариш

Молия, харидлар, захиралар, ишлаб чиқариш цикллари, мижозлар билан ўзаро муносабатларни назорат қилиш имконини беради

# VIRTUAL OFFICE

Ташкилот иш юритиш тизими



## Ишончли ва тезкор маълумот алмашинуви

Электрон ҳужжатлар билан исталган жойдан тез ва осон ишлаш. Барча ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш



## Ҳисоботлар тузиш

Кирувчи ва чиқувчи ҳужжатларнинг ҳар бир тури бўйича батафсил ҳисоботлар. Алоҳида ҳисоботлар конструктори



## Интеграция

Электрон хукумат платформаси орқали бир нечта давлат идораларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ахборот алмашиш. Бошқа дастурий таъминотлар билан API орқали интеграция қилиш имконияти



## 24/7 техник қўллаб-қувватлаш

Тизимдан фойдаланиш билан боғлиқ барча саволларга қўллаб-қувватлаш маркази ва Telegram мессенжери орқали жавоб берилади



# VIRTUAL OFFICE
# ТИЗИМ ИМКОНИЯТЛАРИ

### HRM (Инсон ресурсларини бошқариш)

- Ходимларни бошқариш модули
- Табелларни автоматик шакллантириш

### E-Doc

- Ички ва ташқи ҳужжатлар алмашинуви
- Раҳбарият ва ходимлар учун алоҳида бошқарув панели

### LMS (Learning Management System)

- Ходимларни ўқитиш ва малакасини оширишни бошқаришнинг корпоратив тизими

### Вазифалар ва лойиҳалар билан ишлаш

- Топшириқлар ва ички мурожаатлар билан ишлаш
- Фойдаланувчи рухсатларини бошқариш
- Йиғилишлар ва учрашувларни ташкил қилишни бошқариш

### E-Turniket

- Кириш-чиқишни FaceID қурилмаси орқали назорат қилиш тизими
- Ходимларнинг иш вақтини ҳисоблаш

### Алоқа модули

- Ички ва ташқа электрон почта
- Корпоратив чат ва видеоконференция тизими
- SFTP – файллар алмашинуви корпоратив тизими

# D9E9 КРИПТОМОДУЛИ

| | | |
|---|---|---|
| 01 | Лицензия | «Dataprizma» компанияси криптографик маҳсулот ишлаб чиқиш бўйича лицензияга эга |
| 02 | O‘zMSt 270:2024 | D9E9 криптомодули O‘zMSt 270:2024 стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган (AES алгоритми) |
| 03 | ПҚ-614 | Маҳсулот ПҚ-614-сонли қарорга мувофиқ ваколатли орган томонидан сертификатланган |
| 04 | ХДФУ | D9E9 билан ХДФУ грифли ва конфиденциал маълумотларни ҳимоя қилишга рухсат берилган |

# D9E9 ДАСТУРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

### Онлайн тўловлар



Фойдаланувчилар кредит картаси маълумотларини хавфсиз киритиши ва тасдиқлаши

### Ички корпоратив тизимлар



Компания ходимлари ва серверлари ўртасида хавфсиз алоқа

### VPN ёки турли хил ҳимоя тизимлари



Серверлар ва мижоз қурилмалари ўртасида конфиденциал маълумотларни алмашиш

### Мобил иловалар



Мобил иловалар орқали узатилаётган маълумотларни шифрлаш

# ОХИРГИ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- **NetDoc** – ҳисобварак-фактуралар, товар-транспорт юкхатлари ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномалар каби юридик аҳамиятга эга бўлган хужжатлар айланиш тизими. Бошқа ахборот тизимлари билан, шу жумладан 1С билан интеграция қилинган. Компаниямиз Солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтган расмий оператор ҳисобланади

- **Dataway** - бу ички ва ташқи тизимлар ўртасида маълумотлар алмашинуви, мониторинг ва хавфсизликни таъминлайдиган йирик ташкилотлар учун замонавий интеграциялашган ечим. Амалдаги интеграциялар: Uzcard ва Humo процессинг марказлари - P2P ўтказмалари, тўловлар, баланс сўровлари. Paynet тўлов тизими. E-GOV, KATM, Суғурта, Солиқ (OFD), UzAvto ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ахборот тизимлари, ABS bank core тизими

- **Корпоратив LMS** – Ходимлар малакасини ошириб бориш, янги ишга қабул қилинган ходимларни мослашиш (адаптация) жараёнини ташкил этиш, билим ва малакаларни тест синовидан ўтказиш тизими

- **GateX** – Ходимлар ва автотранспорт воситаларини ҳудудларга кириш-чиқишларини назорат қилиш тизими. Корхоналар, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш объектларида иш вақтини ҳисобга олиш ва автотураргоҳни бошқариш учун мўлжалланган. Идентификация имкониятлари: юзни FaceID технологияси орқали таниб олиш, автотранспорт воситаси давлат рақамини таниб олиш, RFID карталар, PIN кодлар, QR кодлар. Мавжуд тизимларга, жумладан ERP, HRM – кадрлар бошқаруви ва турникет қурилмаларига осон интеграция қилинади

- Хусусий мактаблар жараёнларини бошқариш тизими (School MGM)

- **DWPOS** - Дўконлар тармоғи, савдо нуқталари ва омборларни бошқариш тизими

# ОХИРГИ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- **ChefPOS** – Ресторанлар тармоғи ва овқатларниш шахобчаларини бошқариш тизими
- **Digital Lean Textile ERP** - Текстил фабрикаларини бошқариш учун рақамли экотизим
- Истеъмол қилинган электр энергиясини IoT воситасида мониторинг қилиш тизими
- **DP-Solar** – Қуёш станциялари ишини ташкилот ички серверида мониторинг қилиш тизими
- **OEE** - Ишлаб чиқариш корхоналари ускуналарининг умумий самарадорлигини баҳолаш тизими
- Дастурий-аппарат воситалари ёрдамида турли хилдаги аккумулятор батареялари яроқлилигини масафадан мониторинг қилиш тизими
- GPRS модулларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш машиналари ҳолатини мониторинг қилиш, электрон ҳисоблагичлар ва тарозиларни ўқиш, иссиқлик, ранг, ёруғлик, намлик, ҳарорат сенсорларидан маълумотларни олиш, релени масофадан бошқариш ва умумий ахборот тизимига интеграция қилиш лойиҳаси
- **Smart building** – Бино-иншоотлар ва объектларни мониторинг қилиш ва фавқулотда ҳолатлар ҳақида хабар бериш бўйича аппарат-дастурий тизими

# КОМПАНИЯМИЗ МИЖОЗЛАРИ ВА ҲАМКОРЛАРИ

## Давлат сектори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР БИРЖАСИ

РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

UZBEKNEFTEGAZ

## Йирик компаниялар

DUTY FREE UZBEKISTAN

AVTOOYNA

samo

AVTORITET

UNG Uzbekistan GTL — WE CREATE PURE ENERGY

Uz-Kor Gas Chemical

Garant bank

ADM GLOBAL

FAZO-R TEXTILE

EVOLUTION MOTORS

ZMB Universal Academy

KEZAR

## Халқаро ҳамкорлар

UNDP

European Bank for Reconstruction and Development

ionidea AI — ENGAGE EXCELLENCE

DanofficeIT

UNELL

Боғиравон кўчаси, 55-уй,
Тошкент, Ўзбекистон

www.dataprizma.uz
info@dataprizma.uz